



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Умаров Анвар Шухратович

СамДУ таянч токтаранти

ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ТУРКМАН УРУҒЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ТАРИХИ

Аннотация: Мақолада Зарафшон воҳасида турли маданиятларнинг ўзаро қоришуви, турли халқ ва элатларнинг турли тарихий босқичларда минтақага кириб келиб муқим қолиши ҳақида сўз боради. Минтақага туркман уруғига мансуб аҳолининг кириб келиши минг йилдан ошиқ тарихга эга. Шунингдек, воҳа аҳолисининг кўп миллат ва элатлардан ташкил топишининг мураккаб ва қизиқарли тарихига доир маълумотлар билан бирга Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида туркман уруғларининг кириб келиши тарихи ёритилади.

Таянч сўзлар: Зарафшон воҳаси, маданиятларнинг ўзаро қоришуви, ўзбек уруғлари, туркман уруғлари, “Девону-луғоти Турк”, Хизр-ели (ёки хидир-ели).

Зарафшон водийси ўзининг табиий-географик ўрнига кўра, нафакат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё минтақасининг марказий қисмини ташкил этади. Бу табиий географик жойлашув минтақада турли маданиятларнинг ўзаро қоришуви, турли халқ ва элатларнинг турли тарихий босқичларда минтақага кириб келиб, муқим ўрнашиб қолишига ҳам таъсир ўтказган. Ҳозирда воҳа аҳолисининг кўп миллат ва элатлардан ташкил топишининг мураккаб ва қизиқарли тарихи мавжуд. Тарихан воҳада кўп сонли ўзбек уруғлари истиқомат қилиб келади. Шулардан бири туркман қабилалари ҳисобланади. Воҳанинг Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида туркман уруғлари яшаб келаётган ўнлаб аҳоли манзилгоҳларини келтириб ўтиш мумкин. Минтақага туркман уруғига мансуб аҳолининг кириб келиши минг йилдан ошиқ тарихга эга. Бу

урұғларининг асосини үғуз қабилалари ташкил этган. Ўнлаб уруғлардан ташкил топған үғузлар эса күпроқ чүл шароитида чорвачиликнинг йилқичилик йұналиши билан бевосита шуғулланғанликлари боис, уларнинг турмуш тарзи типик күчманчи характерга әга әди. Маҳмуд Қашқарий үзинг “Девону-луготи Турк” номли асарида 24 үғуз қабиласи түғрисида маълумот берган. Аммо бу туркман қабилаларининг сони сунъий равище мослаштирилған назарий күрсаткыч еди, аслида у доимийлиқдан узокдир. Гап шундаки, туркманларнинг күчманчи турмуш тарзи, шунингдек, тез-тез содир бўладиган тўқнашувлар, ўзаро курашлар, қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши муносабати билан туркман қабилаларининг кўчирилиши бир неча бор ўзгарган. Бундан ташқари, қабила таркибининг ўзи ҳам ўзгармоқда. Шундай қилиб, “ески” туркман қабилалари (асосийлари қаторида) гуклонлар, чаудорлар, салорлар ҳисобланади: улар аллақачон Қашқарлик Маҳмуд, Рашид ад-Дин томонидан тилга олинган.

Маълумки, «Туркман» номи дастлаб X аср охирларида пайдо бўлади. Копет-Тоғ этакларида дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли билан Каспий ва Сирдарё қирғоқларида яшовчи қадимги күчманчи қабилалар негизида XI асрларда пайдо бўлган йирик үғуз туркларининг бирикмаси салжуқийларнинг туркман халқнинг шаклланишида муҳим ролни ўйнаганлиги шубҳасиз. Сирдарёнинг қуи оқимларида илк ўрта асрлардан эътиборан Янгикент шаҳри таркиб топиб, IX-X асрларда у ерда ўтроқлашган үғузлар макон топған эдилар [9.226-227]. Сирдарёнинг қуи оқимида IX асрда Ўғузлар давлати ташкил топған бўлиб, уларнинг бир қисми Женд ҳукмдори Шоҳ Малик билан келиша олмай, X аср охирларида Сомонийларнинг рухсати билан Зарафшон водийсининг Нурота чўлларига кўчиб ўтадилар. Улар дастлаб Сомонийлар билан яхши муносабатда бўладилар, аммо Қораҳонийлар Мовароуннахрни эгаллагач, XI асрнинг биринчи ярмида салжуқ туркманларининг Зарафшон водийсидаги аҳволи танглашади. Чунки, Қораҳонийлар билан бу заминга кириб келган катта миқдордаги чифил турклари, қорлуқлар, яғмо ва бошқа турк қабилалар билан яйловлар талашиб, Хуросоннинг ғазнавий подшоларидан ер сўрашга мажбур бўладилар ва уларнинг бир қисми Мовароуннахрнинг турли жойларида яшаб келаётган үғуз салжуқлари билан XI-XII асрларда Қораҳонийлар даврида Бухоро атрофлари, Шимолий Хуросонга, яъни ҳозирги Туркманистон ҳудудларига келиб ўрнашадилар [3.72-125]. Булар тарихда машхур салжуқийлар номи остида юрган күчманчи туркманлар әди. XIV-XV асрларда Сирдарёнинг қуи ҳавзалари ва Даشت Қипчоқдан Мовароуннахрга яна бир қанча үғуз, салжуқ туркман гурухлари кириб келадилар. Улар Мовароуннахрда қолиб кетган үғуз туркманлари билан биргаликда, асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, ўз этник номларини унутмаган ҳолда ўтроқлашадилар. Уларнинг кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки “Нурота туркманлари” деб атаганлар.

Воҳада чандир ва хизр эли уруғлари туркман уруғларининг кўпчилигини ташкил этади. Хизр-ели (ёки хидир-ели) бой ва қадимий анъаналарни сақлаб, урф-одатлар етарлича сақланиб қолган. Илмий адабиётлар ва халқ оғзаки ижодига мансуб манбаларда турлика, баъзан бир-бирини тасдиқламайдиган маълумотлар ҳам мавжуд. Турлика манбаларда ушбу туркман уруғи номи Хизр-ели ёки Хидир-ели каби келтирилади. Самарқанд воҳасида улар ўзларини Хизр-ели туркманлари деб атайдилар. Ушбу мавзуда изланишлар олиб борган А.Маликов туркман уруғларининг воҳадаги географик жойлашувига аниқликлар киритди. Маълумки, Зарафшон воҳаси уч қисмга: Юқори Зарафшон, Ўрта Зарафшон ва Қуи Зарафшон минтақаларига бўлинади. Номи келтирилган уруғлар воҳанинг ўрта ва қийи минтақаларида

яшашади. Самарқанд яъни Ўрта Зарафшон воҳаси қадимдан Марказий Осиёning маркази ҳисобланиб, сувли ва унумдор ерлардан ташкил топган [6.59].

Қўйи Зарафшон минтақасининг маркази Бухоро вилояти ҳисобланади. Зарафшон воҳаси қадимдан дехқончилик, дашт ва чўлларга туташ ҳудудларда чорвачилик ривожланган [8.22].

Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби қанчалар мураккаб эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, турли этник гурухлар ўртасида иқтисодий–хўжалик ва этномаданий алоқаларнинг кенг кўлами ҳақида таҳлилий хулосаларга олиб келади. Зарафшон водийси ва унга туташ ҳудудларда туркманларнинг кўп сонли турли этник компонентлар кириб келган, бу еса минтақа туркманларининг умумий маданий қиёфасига ўзига хос елементни киритган.

XI асрда қомусий олим Маҳмуд Кошғарий Ўрта Осиёning ўғуз (туркман) қабилаларининг каиф, бойундур, ива, салгур, афшар, бегтили, буқдуз, баят, язгир, эймур, қораболуқ, алқаболуқ, игдар, урагир, тутирка, улайюндулуг, тугар, беженек, жувалдар, жепни, яруглук каби номларини эслатиб ўтади [5.229]. XIV-XV асрларда Самарқанд ҳудудида кейинчалик Хитойга кўчиб ўтишга мажбур бўлган туркман–салорлар яшаган [1.40].

XVII-XIX асрлардан бошлаб Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг қўйи қисмига ўзбеклар, тожиклар араблар қаторига туркман уруғлари ҳам келиб жойлашади. Б.Кармишева ўз тадқиқотларида салор, хидир эли, соқар, сарик, эрсари каби уруғларни қайд этади [4.25].

Туркман уруғларининг яна бир қисми Хоразмдан кўчиб келганлар бўлиб, Қоракўл ҳудудига жойлашишган. Ески уруғига мансуб кўчманчи туркманлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Амударё ҳудудидан Қоракўл тумани ҳудудларига, сўнгра Самарқанд ва Қашқадарёга кўчиб ўтиб, маълум муддат кўчманчи чорвачилик турмуш тарзини сақлаб қолишган. Вақт ўтиши билан улар ўз даврида кўчманчи чорвачилик турмуш тарзини сақлаб қолишган. Амударё бўйидаги туркмнлари ва қисман Хоразмда яшаган туркман уруғларининг алоҳида гурухлари Зарафшон водийси юкори қисмига ва ундан сўнг Ўратепа тарихий вилояти минтақасига жойлашади. Уларнинг кўпчилиги XVIII асрнинг биринчи чораги XIX аср ўрталарида, воҳадаги издан чиққан суғориши тизимишининг тикланиши даврида ҳозирга Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган. XVIII асрда Эрсори туркманларининг бир гуруҳи Самарқанд шаҳрига кўчиб ўтадилар, бу ерда уларнинг авлодлари Кўлобон маҳалласида яшайди [7.40-41].

XVIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд шаҳри ва унинг атрофи хароб аҳволга тушиб қолди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий–сиёсий вазият нисбатан барқарорлашгандан сўнг, чўл ерларга бошқа минтақалардан келган кўчманчилар жойлашади. Маҳаллий аҳоли вакилларининг фикрича, Самарқанд шаҳар атрофидаги Туркман қишлоғининг барпо етилиши Хизр-ели туркманлари билан боғлиқ бўлиб, улар Бухоро амири Шоҳмурод ҳукмронлиги даврига (1785-1800) ушбу қишлоқка кўчиб келади. А. Маликовнинг мақоласида кўрсатилишича, бу жойда ўрта асрларда Туркина қишлоғи бўлган деган таҳмин мавжуд [7.42]. Унинг номи турклар ёки ҳатто туркманлар гуруҳининг қароргоҳи билан боғлиқ. Туркман қишлоғи аҳолиси хўжалик тизимида дехқончилик катта аҳамиятга ега еди. Шу даврдан бошлаб, бугунги туркман қишлоғи аҳолиси Самарқанд шаҳри атрофидаги дехқончилика етакчи жамоалардан бўлиб қолди. Туркманларнинг Хизр-ели уруғи орасида ўзларининг келиб чиқишини

Ўғузхон билан боғлаш анаънасини кузатамиз. Ривоятда келтирилишича, Ўғузхоннинг дастлабки уч ўғлидан туркманларнинг Салир, Сариқ, Така, Ёвмудлар чиқсан. Тўртинчи ўғлидан Гереили ва Хидирелиларнинг авлоди келиб чиқади [1.40]. Баъзи олимлар Хизр-ели номини Хазарлар билан боғлашади. Бироқ, булариннг барчаси фараз холос. Таъкидлаш жоизки, авлиё Хизр (Хидир) номи Ўрта Осиё халқлари, жумладан, туркманлар орасида ҳам машхур бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотлар шу нарса маълум бўладики, Зарафшон вохасида туркман уруғларининг кириб келиши бир неча босқичдан иборат бўлган.

Биринчи босқичда X аср охирларида Сомонийларнинг рухсати билан Зарафшон водийсининг Нурота чўлларига кўчиб ўтадилар ва Зарафшон вохасининг тоғли ва тоғ олди минтақаларида яшаб қолиб, “Нурота туркманлари” деб ном оладилар.

Зарафшон вохасида туркман уруғларининг кириб келишининг иккинчи босқичи Хизр-ели туркман уругининг XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги кўчиши билан боғлиқ. Бу даврда ушбу аҳоли вакиллари Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Чоржўй - хозирги Туркманработ ҳудудига дастлаб XVIII асрнинг иккинчи ярмида келган. Бу ерда улар уч гурухга бўлинади. Бир гурухи Чоржўй вилоятида қолади, иккинчи гурухи хозирги Бухоро вилоятидаги Қоракўл тумани ҳудудларида жойлашади. Учинчи гуруҳи эса Самарқанд шаҳри атрофига келиб жойлашади. Хизр-елилар келган ҳудуд, амир Шоҳмурод даврида бу ер ҳароб ва чакалакзорлар билан қопланган еди. Хизр-елилар бу ерларни ўзлаштириб, дехқончилик билан шуғулланган.

Тадқиқотларда келтирилишича, дастлаб Самарқандга 12-14 оила келган, бир қисми Хизр-елилар Самарқанд вилоятидаги Чандир туркманларига қўшилган [7.43-44].

Зарафшон вохасида туркман уруғларининг кириб келишининг учинчи босқичини чандир уруғларининг келиб жойлашуви билан боғласак ўринли бўлади. Чандир туркманларининг келиб чиқиши ҳақида ҳам манбалар ва илмий адабиётларда турлича маълумотлар келтирилади. Баъзи манбаларда келтирилишича, чандир туркманлари Эрон шоҳи Нодиршоҳ билан зиддиятга бориб, турли минтақаларга кўчишга мажбур бўлади [7.45-47]. Улардан бир қисми Зарафшон вохасига кўчиб келиб жойлашган. XIX аср 20-йилларидан бошлаб ўтроқ ҳаётга ўта бошлайдилар. 1990-йиллар бошида чандир туркманларининг сони 60 мингта атрофида бўлган [2.5.]. Хозирги кунда чандир туркманлари Туркменистон республикасидан ташқари Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани, Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани, Қашқадарё вилоятининг ўзлаштирган Қарши чўли ҳудудларида ҳам яшайдилар.

Хулоса ўрнида Зарафшон вохасига туркман уруғларининг кўчиб келиши Марказий Осиёда юз берган турли тарихий жараёнлар билан боғлиқлигини айтиш жоиз. Вохага кўчиб келган ушбу этник гуруҳлар ўзбек халқининг ажralmas қисми сифатида минтақа этник қиёфасида ўз ўрнига эга бўлдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Джикиев А. Этнографический очерк населения юго-восточного Туркменистана(конец XIX –начало XXв.). Ашхабад: «Ҷылым», 1972, с.40
- Жўрақулов О., Чандир туркманлари. Тошкент: «Фан», 1992, 5-бет.
- Камалиддинов Ш. «Китаб ал-ансаб» Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани», как источник по истории и культуры Средней Азии. Т.: 1993. стр 72, 125.

4. Кармышева Б.Х., Население // Этнографические очерки узбекского сельского населения. Москва: Наука, 1969, с.25
5. Кармышева Б.Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976, с.229
6. Ковалев С., Ташбеков Э., Валиева Р. География сельского населения и сельских населенных пунктов Самаркандской и Бухарской областей. Т.,1962,с.59
7. Маликов А. Туркмены родов хизр-эли и чандир долины Зерафшана // Известия Казахской НАН 2013, №2, с.40-47.
8. Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.). Т.,1978,с.22
9. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни... 226-227 бетлар.